



ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА ТОШ ДАВРИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ БЎЙИЧА ҚИСҚАЧА МУЛОҲАЗАЛАР

Annotation:

Уибу мақолада Қуий Зарафшон воҳасида олиб борилган археологик тадқиқот натижаларида ва воҳада кечган тарихий жараёнлар баён қилинган.

Keywords:

Қуий Зарафшон, археологик тадқиқотлар, тоши даври, Моҳондарё, Дарвазақур.

Information about the authors

Очилов Алишер Тўлис ўғли¹

Хожсимуродов Олтинбек Бегмурод ўғли²

т.ф.ф.д. (PhD), доцент¹

Бухоро давлат университети талабаси²

КИРИШ

Қуий Зарафшон (Бухоро) воҳаси худудларида антропоген ландшафтнинг шаклланиши ва ривожланиши мезолит ва неолит давридан бошлаб босқичма-босқич амалга ошган бўлиб, бунда табиий муҳитнинг таъсири муҳим ҳисобланади. Бу ерда истиқомат қилган аҳоли табиатнинг маълум қонуниятларига бўйсунган. Мехнат қуролларини ясаш учун тошга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги одамларни асосан тоғ ён бағирлари, жарликларнинг ёқалари, сой ва бошқа сув ҳавзаларининг бўйларида истиқомат қилишга мажбур қилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўрта Осиёнинг чўл зоналаридаги дарёлар ва қўлларнинг кенг тарқалган қуруқ каналлари атрофида ҳам тош даври аҳолиси кенг жойлашган. Қадимги даврларда бу ердаги иқлим ибтидоий популяциялар учун қулай бўлган[1]. Мезолит даври охири ва неолит даври бошларида (милоддан аввалги 10-8 минг йил) аҳоли сонини кўпайиши натижасида манзилгоҳлар сони ортиб боради. Бу даврларда нафақат Бухоро воҳасининг тоғлик худудлари ўзлаштирилди, балки воҳанинг ғарбий қисми Зарафшоннинг қуий ҳавзалари ҳам овчи қабилалар эътиборидан четда қолмади. Қадимда Бухоро воҳасининг ғарбий қисми Зарафшоннинг тошқин сувларидан ҳосил бўлган қўл ва ботқоқликлардан иборат бўлиб, улар қалин бутазор, чакалакзор ва тўқайзорлар билан қопланган. Тош даври инсониятини Зарафшоннинг қуий ҳавзаларидаги ҳайвонотга бой табиий чакалакзорлар ва балиққа сероб қўллар ўзига тортди. Аҳоли бу худудларни ўзлаштира бошлади. Бухоро воҳасининг ғарбий қисмларида ҳам тош даври айниқса, неолит даври қизғин кечади. Зарафшоннинг қадимги ўзани Моҳондарё Қоракўл тумани орқали Қизилқумга ўтиб Амударёга қўйилган. Натижада бу жойларда овчилар, балиқчиларнинг дастлабки манзилгоҳлари пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам Қуий Зарафшон ҳудуди ва унинг атрофидан топиб ўрганилган тош даври маконлари асосан сув ҳавзалари бўйидан топилган[2]. Сув ҳавзаларининг жойларини ўзгартириб туриш оқибатида одамлар қўноқ ва қўналғаларини ҳам ўзгартириб туришга мажбур бўлганлар. Неолит даврига оид бу қўналғалар Катта Тузконнинг

шимоли ва шимоли-шарқий томонига жойлашган бўлиб, кўл бўйига қурилгани учун бир тизимда, бир қаторда жойлашган[3].

Зарафшон тошқини туфайли ҳосил бўлган ва денгиздек кенг майдонга ёйилган, ҳозирда эса Моҳанқўл, Замонбобоқўли, Қичик Тузкон, Катта Тузкон, Чукур кўл, Парсангқўл, Лахлиқўл ва Қоронғи шўр деб номланган ибтидоий «сув омборлари»ни қум тепалари босиб, улар кенг шўрхўқ, пастқам жойларга айланган[4], уларнинг қирғоқларида неолит даврининг турар-жой излари топилган[5].

Мезолит ва неолит даврларида глобал иқлим ўзгариши содир бўлиб, миңтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қурғоқчиликни келтириб чиқарган[6]. Натижада аҳоли сув ҳавзаларига қараб силжийди. Бухоро воҳасининг ғарбий қисмида ҳаёт анча гавжумлашади. Маҳаллий аҳоли орасида Катта Тузкон, Кичик Тузкон, Қорангি шўр номлари билан аталувчи қўл соҳилларида инсоният томонидан кенг ўзлаштирилади[7]. Шунинг учун ҳам бу ерлардан неолит даврига оид бир қанча манзилгоҳлар топиб ўрганилган[8]. Афсуки, уларнинг деярли барчасида маданий қатламлар сақланмаган.

Манзилгоҳларнинг марказий қисмида материаллар уюми қалашиб ётганлиги кузатилган. Археологик кузатувларга кўра, манзилгоҳларнинг барчаси мавсумий характерга эга бўлиб, уларнинг жойини тез-тез алмашиб туриши қўл соҳили сувларининг ўзгариб туришига боғлиқ эди. Шунинг учун балиқ ови билан шуғулланган уруғ жамоаларининг мавсумий манзилгоҳларида тегишли маданий қатламлар пайдо бўлиб улгурмай, турар-жой манзиллари ўзгариб турган. Агар манзилгоҳни сув тошқини даврида бир неча бор лойқа сув босиб улгурган бўлса, яъни унинг устида қалин балчиқ ҳосил бўлган бўлса, у ҳолда маданий қатламнинг қалин лойқа остида сақланиб қолишига умид қилса бўлади. Аммо уларни топиш ҳам осон кечмайди.

Калтаминон маданиятининг¹ Қуйи Зарафшон ёдгорликларини ўрганиш билан мунтазам шуғулланиб келган археолог Ў.Исломов Катта Тузкон ёдгорликлари мажмуасида, икки пунктда маданий қатлам сақланганлигини аниқлашга мусассар бўлган. Улар Дарбозакир I [9] ва Дарбозакир II [10] ёдгорликлари эди. Икки қир оралиғидаги тор йўлак, яъни Катта Туз кон кўлидан шимолий ғарбда чиқиши жойида қир мавжуд. Шу қирни кесиб ўтган тор йўлак орқали аҳоли қўл ёқасига чиқган. Айнан шу жой аҳоли томонидан “Дарвозакир” деб юритилган шунинг учун ҳам манзилгоҳга Дарбозакир номи берилган[11].

Катта Тузкон топилмалари овчилар ва балиқчиларнинг неолит маданияти билан характерланган. Уларнинг қўшни худудлардаги Калтаминон мажмуаларига тўлиқ ўхшашлиги тош қуролларининг шакли ва нисбатларида намоён бўлади. Тузан ёдгорликларининг пастки хронологик чегараси радиокарбон усули билан милоддан аввалги 4-минг йилликнинг бошларига тўғри келган. Унинг юқори чегараси милоддан аввалги 3 минг йиллик охирларига тўғри келади. Неолит давридаги Зарафшоннинг қуйи оқими аҳолисининг асосий иқтисодий фаолияти ов ва балиқ ови эди. Буни нафақат аҳоли пунктлари дарёлар ва қўллар бўйида жойлашганлиги, балки қазиши жараёнида топилган ҳайвонларнинг суюк қолдиқлари ва тош қуролларининг турлари тасдиқлаган. Топилмалар орасида тошдан ишланган ёргучоқ, дон бўлаклари ва ўроқнинг мавжудлиги, эҳтимол маҳаллий шароитда дехқончиликнинг вужудга келиши ҳақидаги хуносани илгари суришга хизмат қилган[12]. Лекин, Тузкон атрофини тадқиқ қилган Я.Ғуломов, Ў.Исломов ва А.Асқаровларнинг фикрича Қуйи Зарафшоннинг энеолит

¹ Калтаминон маданиятига оид дастлабки ёдгорлик Хоразмнинг Калтаминон қальяси яқинидан топилгани учун шу ном берилган. Калтаминон маданияти аъзолари Зарафшон дарёсининг қуйи оқимига тарқаганлигини Бухоро воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлардан билишимиз мумкин.

жамоалари асосан овчилик ва балиқчилик билан шуғилланган, топилган ўроқ ва ёргучоқ каби қуроллардан доимий дәхқончилиқдан эмас балки, илдизларни, қуруқ меваларни, ёввойи арпа, бұғдой ва бошоқли әқинликларни йиғиши учун фойдаланилған[13]. Зоро, этнографик маълумотлардан билишимиз мүмкінкі бундай қуроллардан термачилик билан шуғилланган, ҳали дәхқончилиқдан хабары ёқ қабилалар ҳам фойдаланған[14].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Қуий Зарафшон минтақаси ахоли томонидан ўзлаштирилиши, унинг кундалик машғулотлари ва хұжалик шакллари билиан боғлиқ бўлган. Чунки одамлар ўзлари яшаши учун қулай табиий шароит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой ерларни ўзлаштиришга интилганлар. Қуий Зарафшон минтақасида бундай жараёнлар тош даврининг палеолит ва мезолит даврларида нисбатан секин ва тор ҳудудда кечган бўлсада, неолит даврда воҳани ўзлаштириш жараёнлари фаоллашди. Неолит даври овчилик, балиқчилик, термачилик ва қисман илк зироатчилик билан кун кечирган уруғ жамоалари Қуий Зарафшон минтақасининг катта ҳудудига келиб жойлашди. Натижада неолит даври жамоаларининг маконлар сони воҳада кескин ортди. Бу маконларнинг ўрганилиши Қуий Зарафшон минтақасида тош даври антропоген ландшафтини ривожланиши ва жамоаларнинг воҳанинг турли географик ҳудудларида кенг ёйилишидан гувоҳлик беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Тошкенбоев Н. Бухоронинг энг қадимги даври тарихидан. Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишлиланган ҳалқаро симпозиум тезислари. 1997 йил 18-20 октябрь. Бухоро-Хива. Тошкент, 1997. Б.9-10.
2. Исломов Ў.И. Қадим Бухоро воҳасида илк хұжалик фаолияти кўринишлари. Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишлиланган ҳалқаро симпозиум тезислари. 1997 йил 18-20 октябрь. Бухоро-Хива. -Тошкент, 1997. -Б.12-14.
3. Асқаров А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. -Тошкент, 1973.-Б.10.
4. Гульянов Я. Г. Исследование исторической гидрографии низовьев Кашкадары и Зарафшана. ИМКУ. Вып.6. -Ташкент, 1965.-С.17-22.
5. Francfort H.P. Lecomte O. Irrigation et societe en Asie Centrale des origines a l'epoque achemenide. Ann. Hist. Sci. Soc. 3. 2002.
6. Гульянов Я.Г. Археологические работы к западу от т Бухарского оазиса. Тр. Ин-та Истории и археологии АН Республики Узбекистан. Вып.8, Ташкент, 1956; Он же, Исследование исторической гидрографии низовьев Кашкадары. ИМКУ. вып.6. Ташкент-1965; Мухамеджанов А.Р. К изучению древнего русла Махандары. ИМКУ. вып. 5, Ташкент, 1964; Гульянов Я.Г., Исламов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент, 1966.
7. Асқаров А.А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. -Тошкент: Фан, 1973. -Б.11.
8. Гульянов Я.Г., Исломов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент, 1966. -С. 23-38.

9. Гульянов Я.Г., Исломов У., Асқаров А. Первообытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент, 1966. -С.38-72.
10. Асқаров А.А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Тошкент:Фан,1973. -Б.11.
11. Гульянов Я.Г., Исломов У., Асқаров А. Первообытная культура в низовьях Зарафшана. -Ташкент,1966.-С.87-88, 90.
12. Сагдуллаев А.С, Холматов Н.Ў., Абдуллаев Ў.И., Матёкубов Х.Х., Шайдуллаев А.Ш., Тоғаев Ж.Э., Маткаримов Х.О., Юсупов А.Ш. Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари.-Тошкент: Университет,2020.-Б.21.
13. Гульянов Я.Г., Исломов У., Асқаров А. Первообытная культура в низовьях Зарафшана.– Ташкент,1966.-С.43.
14. Асқаров А.А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Тошкент:Фан,1973. Б.15.
15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.
16. OCHILOV, Alisher. "JEWELRY TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi 1.1: 105-116.
17. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: BASED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." Theoretical & Applied Science 12 (2019): 589-591.
18. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." Scientific progress 1.6 (2021): 933-938.
19. Ochilov A. Бухоро воҳасида олиб борилган илк археологик тадқиқотлар //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.
20. Ochilov A. Бухоро воҳасининг қадимги антропоген ландшафтида Сармишсой дарасининг тутган ўрни //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.
21. Ochilov A. XIX асрдаги чет эл сайёхлари асарларида Бухоро воҳаси маданиятининг ёритилиши //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.
22. Очилов А. Т., Жўраев Н. БУХОРО ВОҲАСИ АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИ //TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLLILI ONLAYN ILMUY JURNALI. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 11-14.
23. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли, and Зулфизар Ҳалим Қизи Салимова. "БУХОРО ВОҲАСИНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ." Scientific progress 3.10 (2022): 86-91.
24. Очилов А. ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ ТОШ ДАВРИ ТАРИХИЙ РЕКОНСТРУКЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ //Journal of Social Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 02. – С. 42-45.
25. Очилов, А. (2023). Бухоро воҳаси тош даври жамоаларининг моддий маданияти: тарихий реконструкция масалалари. Марказий Осиё тарихи ва маданияти, 1(1), 93-98.

26. Alisher To‘lis o‘g O. et al. BUXORO VOHASINING TOSH DAVRI TARIXI //Journal of Innovation, Creativity and Art. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 6-10.
27. Alisher To‘lis o‘g O. et al. VARAXSHA-ANTIK VA ILK O ‘RTA ASRLAR DAVRI SHAHRI //Journal of Innovation, Creativity and Art. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 14-17.
28. Очилов А. Т. БУХОРОНИНГ 2500 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИННИНГ АРХЕОЛОГИК АСОСЛАРИ ЁХУД БУХОРО АРКИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА //TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2023. – Т. 3. – №. 10. – С. 268-272.
29. Alisher To‘lis o‘g O. et al. XOJA NIYOZ XORAZMIY-BUXORO TURIZMI RIVOJLANISHIDAGI YANGI MANZIL //JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 56-61.